O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: Info@xs.uz ● 2010 йил 8 апрель, № 68 (4983) Пайшанба

# ЮКСАЛИШ ВА БУНЁДКОРЛИК ИФОДАСИ

*Бу йил юртимизга баҳор ҳар галгидан-да эртароқ, ҳар галгидан-да тантироқ, гўзаллик ва тароватга тўлиб-тошиб келди. Шундай фараҳли кунларнинг бирида биз Қашқадарё вилоятига сафарга отландик. Алҳол, юртимизнинг бугунги кўрки-таровати, буюк бунёдкорликка эш қайноқ ҳаёти юракларимизни сирли бир тарзда ўзига чорларди.*

**Замондош билан юзма-юз**

## Истиқлол шукуҳи

Қашқадарё деганлари бир пайтлар яйдоқ далалару дашту биёбонлардан иборат бир маскан эди. Мустақиллик унга мўъжизавий жўшқин ҳаёт ато этди. Қисқа бир муддат ичида Қашқадарё саноатлашган, қишлоқ хўжалиги гуркураб ўсаётган вилоятга айланди. Бугун у муносиблар қаторида муносиб ўрни, ўз нуфузига эга. Шундай юксалишлар шарофатидан ўтган йили вилоят 2 млрд. 362,5 млн. АҚШ доллари қийматидаги саноат маҳсулотини четга экспорт қилишга эришди. 283 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари, 1,1 трлн. сўмликдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Энг муҳими, бу натижалар 2008 йилги кўрсаткичлардан 10-15 фоиз ортиқдир. Дунё бўйлаб молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда, вилоят миқёсидаги бундай ўсиш, ривожланиш Президентимиз олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг нақадар оқилона, нақадар узоқни кўзловчи эканидан далолатдир.

Биз Қашқадарё бўйлаб қилган сафаримиз чоғида турфа одамлар билан учрашиб, суҳбатлашиб, худди шундай ажиб манзараларнинг гувоҳи бўлдик.

(Давоми 2-бетда).



**Саноат ҳафталиги:**

# ПЕШҚАДАМ ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР НАМОЙИШИ

***Кеча пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида машинасозлик, энергетика, лаборатория, тоғ иши, кимё ҳамда чиқиндиларни утилизация қилиш тармоқларини қамраб олган “IndustrialExpo Uzbekistan” VI халқаро саноат ҳафталиги иш бошлади.***

У Ўзбекистон савдо-саноат палатаси, “Ўзкимёсаноат”, “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компаниялари, “Ўзстандарт” агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда “ZarExpo” компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Маълумки, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида улкан муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида республикамизда биргина саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 9 фоиз ўсгани ҳамда 22 та йирик объект фойдаланишга топширилгани бунинг яққол далилидир.

Албатта, бундай ижобий ўзгаришларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Юртимизда хорижлик сармоядорлар учун яратиб берилган қулай инвестициявий муҳит ҳамда мавжуд корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш сингари ишларга катта эътибор қаратилаётгани муваффақиятлар омили бўлаётир. Айниқса, Президентимизнинг 2007 йил 12 ноябрдаги “Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2008 йил 28 ноябрдаги “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги фармонлари ушбу йўналишда дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Мазкур жараёнда, шунингдек, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган халқаро кўргазмалар ҳамда бошқа тадбирлар ҳам ўзига хос аҳамият касб этмоқда. Хусусан, “IndustrialExpo Uzbekistan” халқаро саноат ҳафталиги алоҳида мазмун-моҳиятга эга. Чунки у ўтган вақт ичида саноат соҳасидаги энг йирик тадбирлардан бирига айланиб улгурди. Ҳафталикда иштирок этишни истовчилар сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётгани, жорий йилда Россия, Германия, Украина, Туркия, Ҳиндистон, Хитой, Франция, Беларусь, Япония, Польша, Чехия, Словения, Швейцария сингари давлатларнинг етакчи корхона ва фирмалари ўз маҳсулот ҳамда хизматларини тақдим этаётгани бунга мисол бўла олади.

— Биламизки, бугун Ўзбекистонда бошқа соҳалар қаторида таълим ва тиббиёт ҳам жадал ривожланмоқда, жумладан, кўплаб ўқув даргоҳлари, тиббиёт муассасалари бунёд қилинмоқда, — дейди Ҳиндистоннинг “Naugra” компанияси бош менежери Нартеж Сингх Сахни. — Бу эса, ўз навбатида, уларни замонавий ўқув дастгоҳлари ҳамда тиббиёт жиҳозлари билан таъминлашни тақозо этади. Биз кўргазмага айнан уларга мўлжалланган ускуналарни олиб келганмиз. Ўйлайманки, маҳсулотларимиз ташриф буюрувчиларда қизиқиш уйғотади.

(Давоми 2-бетда).




**СУРАТДА:** халқаро саноат ҳафталигидан лавҳа.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**

***Кеча Тошкент шаҳрида анъанавий “BANKEXPO — 2010” кўргазмаси иш бошлади. Тадбирнинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли банк-молия тизимининг барқарор ва узлуксиз ишлаши таъминланмоқда.***

# ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробарга кўпайгани, биргина ўтган йили шу мақсадларга 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилгани натижасида эса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, уларнинг тезкор ва кафолатли хизмат кўрсатиш имкониятлари янада кенгайди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими халқаро талабларга тўла жавоб беради. Банклар капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ортиқ эканлиги бунинг яққол далилидир. Негаки, бу кўрсаткич белгиланган халқаро стандартлардан 3 баробар кўп. Бундан ташқари, кейинги йилларда 14 та тижорат банки жаҳоннинг етакчи рейтинг компанияларининг “барқарор” юқори рейтинг баҳосини қўлга киритди.

**Кўргазма**

Буларнинг барчаси юртимиз молия тизимида мустаҳкам ҳимоя яратилганини кўрсатади.

Кўргазмада миллий хизматлар бозоридаги ана шу муваффақиятлар ва унинг ривожланиш истиқболлари кенг намойиш этилмоқда. Тақдимотнинг 10 га яқин бўлимларида нафақат банк ва бошқа молиявий ташкилотлар, балки суғурта компаниялари, хавфсизлик ва ахборот тизимлари қамраб олингани янада аҳамиятлидир.

Сабаби, иштирокчилар бу ерда имтиёзли банк хизматлари, кредит линиялари, ҳисобварақларни масофадан бошқариш технологиялари сингари янгиликлар ҳақида батафсил маълумотлар олиб, замонавий жиҳозлар билан яқиндан танишмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

# «МЕН ОРЗУ ҚИЛГАН КАСБ»

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, табиийки, келажагимиз ворисларининг баркамол авлод бўлиб вояга етишига хизмат қилаяпти. Чунки бугун ёш авлоднинг билим олиши, касб ўрганиши, қисқача айтганда, ўз истеъдодини юзага чиқариши учун барча шарт-шароит яратилган.***

**2010 йил — Баркамол авлод йили**

Айниқса, истиқлол йилларида қабул қилинган давлат дастурлари доирасида бири-биридан кўркам ўқув даргоҳлари бунёд этилгани ёшларнинг малакали мутахассис бўлиб етишишида кенг имкониятлар яратиб берди. Бунга пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида бошланган “Мутахассислик — сенинг келажагинг” мавзуидаги кўргазмада бўлган киши яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Зеро, “Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур тадбирда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган 118 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўзларининг 180 дан ортиқ йўналишдаги мутахассисликлари билан қатнашмоқда.

Қайд этилишича, жорий ўқув йилида Тошкент шаҳрида жойлашган 311 умумтаълим мактабининг 9-синфини 39107 нафар ўқувчи тамомлаб чиқади. Ҳозирга қадар ўсмир ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, узлуксиз таълим тизимини таъминлаш мақсадида пойтахтимиздаги мактабларда

(Давоми 2-бетда).

**МАМЛАКАТ бўйлаб**

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

***НАМАНГАН вилоятида экспортчи корхоналар томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида 3,3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот хорижга сотилди.***

## Экспорт ҳажми ошди

Натижада маҳаллий саноатчилар бу борада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан уч баравар ўсишга эришдилар.

Айтиш керакки, ҳозир вилоятда ўз маҳсулотларини ташқи бозорга чиқараётган корхоналар сони кўпайиб, 17 тага етди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Икки баравар ўсишга эришилди

***АНДИЖОН. Шаҳрихон туманидаги “Тугмача” кичик корхонаси ички бозор талаб ва эҳтиёжларини чуқур ўрганган ҳолда, асосий эътиборни модернизация тадбирларини амалга оширишга қаратди.***

Бунинг учун корхонага хориждан 50 миллион сўмликка яқин замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Натижада ишлаб чиқариш ҳажми икки бароварга ортиб, ойига 4 минг квадрат метрдан ортиқ деворбоп пластик қопламалар тайёрлаш имконияти юзага келди.

Айни пайтда ички бозорга ойига ўртача 15 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот чиқарилмоқда.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Ҳам йўлланма, ҳам тавсия

***ФАРҒОНА. Марғилон шаҳар Бандликка кўмаклашувчи маркази ташаббуси билан меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.***

Унда шаҳарда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар ҳамда кичик бизнес субъектлари ўзларидаги 150 дан ортиқ бўш иш ўрни билан қатнашди. Шунингдек, тадбирда маҳаллий саноатчилар ва ҳунармандларнинг маҳсулотлари кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Ярмарка якунига кўра, 90 киши ишга жойлашиш учун йўлланмаларга эга бўлди. Бундан ташқари, тадбирга ташриф буюрган 292 нафар фуқарога меҳнат қонунчилигига доир ҳуқуқий маслаҳат ва тавсиялар берилди.

**М. МАҲМУДОВ.**

# АВСТРИЯЛИК САЙЁҲЛАР УЧУН «ҲАВО КЎПРИГИ»

***Марказий Европадаги етакчи сайёҳлик компанияларидан бири “Gta-skyways” Ўзбекистон Республикасининг Венадаги элчихонаси кўмагида мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари бўйлаб саёҳатга бағишланган кенг кўламли туристик лойиҳани амалга оширишни давом эттирмоқда.***

Яқинда Австриянинг йирик савдо тармоқлари ва интернетдаги муайян веб-сайтларида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти ҳақидаги реклама кампанияси ўтказилишидан олдин тўпланган 186 нафар йўловчидан иборат бўлган самолёт чартер рейс билан Ўзбекистонга илк сафарни амалга оширди. Ушбу мавсумда ҳаммаси бўлиб минг нафардан зиёд австриялик сайёҳларга хизмат кўрсатилади, келгуси йилда эса, чартер рейсларни “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси самолётларидан

**Биз ва дунё**

фойдаланиш ҳисобига янада кўпайтириш режалаштирилмоқда.

“Gta-skyways” лойиҳасининг раҳбари Михаэль Боумгартнернинг таъкидлашича, бугун бутун дунёда сайёҳлик саноати талаблари ортиб бормоқда. Ахир туризм нафақат меҳмонларни жойлаштиришдан иборат, балки дам олиш ва экскурсия дастурларини амалга оширишни ҳам ўз ичига олади. Хизмат кўрсатиш самолётнинг зинасидан бошланиб, сайёҳнинг ўз она-ватани аэропортига қадам қўйишигача давом этади.

— Бу борада Ўзбекистон хорижий сайёҳларни жалб этиш бўйича ўзининг стратегиясини муваффақиятли амалга ошириши билан яққол мисол бўлмоқда, — дейди М. Боумгартнер. — Мен Ўзбекистонга илк бор бундан йигирма йил муқаддам борганман. Ўша пайтларда мамлакатда туризм соҳаси унча ривожланмаган-

(Давоми 2-бетда).

# ЮКСАЛИШ ВА БУНЁДКОРЛИК ИФОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бизни "Нексия"сида Касбидан Қаршига келтириб қўйган Шавкат Қурбонов бир гапириб ўн кулади. Қувончининг чек-чегараси йўқ.

— Кўп йиллардан бери фермерлик қиламан, — дейди у. — Худога шукр, тирикчилик яхши. Мана, насиб этган экан, янги типда қурилган ҳовли-жойлик ҳам бўлдик...

Биз Қарши шаҳрига яқинлашдик. Шу пайт йўл чеккасида "Матиз" автомашинаси ёнида бир оз тажанг турган, баланд бўйли, чўққи соқолли киши диққатимизни тортди.

— Бу одамни танийсизларми? — деди Шавкат ака машинасини секинлаштириб. — Олқор Ҳасанов, машҳур тадбиркор, ўзининг катта фермаси бор, яқинда гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик корхона очди. Келгуси йил роппа-роса саксонга тўлади бу одам.

— Йўғ-э?! — деб юбордик биз баб-баравар, ҳайратимизни яширолмай, — жуда ёш кўринадилар-ку?!

Чиндан ҳам йўл чеккасида турган одам саксоннинг остонасида турган қарияга сира ўхшамасди. Қадди тик, оқ оралаган қалин қошлар остидан ёвқур боқади.

— Бобонинг бир оз кайфияти чатоққа ўхшайди-ку, — деди ҳамроҳларимиздан бири.

Шавкат ака мужмал елка қисди.

— Билмадим... Бугун кредит олиш учун саҳарлаб Қаршига кетганди. Иши битмаган чоғи. Қани, ҳозир сўраб биламиз...

Биз ўтирган "Нексия" ҳам йўл чеккасига тўхтади. Олқор бобо машинамизга бир зум разм солди-ю, ҳайдовчини таниб ранг-рўйи ёришгандай бўлди.

— Қани, Олқор бобо, бу ерда тундлашиб турибсиз ё кредит ололмадингизми? — деди Шавкат ака обдан ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач.

Олқор бобо бепарво қўл силтади.

— Кредитни-ку олдим, лекин бозорга тушиб носвой олиб чиқиш эсимдан чиқибди. Шунга орқага қайтишга эриниб, ўз-ўзимдан аччиқланиб тургандим, бирорта таниш шаҳар томон ўтиб қолса, тайинлаб юбораман деган хаёлда эдим.

Шавкат ака бобога носвой олиб қайтишга ваъда берди. Сўнг бизларни таништирди.

— Кредит ундирибсиз, табриклаймиз, — деб қўйдим мен, тадбиркорнинг иши эрталабдан ўнг келганидан қувониб.

Лекин Олқор бобо юзимга таажжуб билан тикилди.

— Ай, болам-а... бунинг нимасига табрик... Бериш банкнинг бурчи, берди, олиш менинг ҳақим, олдим.

— Ҳа, энди... — деб чайналдим жўяли сўз тополмай, — кредит олиш ҳам жуда муҳим воқеа-да...

— Жуда муҳим воқеа, ҳувв, ўн саккиз йил аввал юз берганди, болам. Қолган ҳаммаси ўша воқеа-



нинг неъматлари.

Олқор бобонинг фавқулодда ўткир сўзлиги, ҳақ-ҳуқуқ масалаларини чуқур англаши бизни лол қолдирди. Ҳатто, ортиқча суҳбат қуришга журъат этолмай саросимага тушдик.

— Бобо, — деди Шавкат Қурбонов, — ёшингизни айтгандим, меҳмонлар ишонишмади, саксонга кирган одам оёққинасини узатиб, чойхонада ўтиради, дейишаяпти.

Олқор бобо завқ билан шарақлаб кулди.

— Балки ҳозирги замонда шундайдир... Лекин истиқлол менга шундай бир куч-қувват ато этдики, мен замондан ўзиб кетдим. Келажакни кўзлаб яшаяпман, болаларим. Шунинг учун чойхонада чўзилиб ўтиришга ҳозирча вақт йўқ.

Андак қўрс ва чапани, андак ҳазилкаш, лекин кўнгли кўклам тонгидек тиниқ бу отахон бизга жуда ёқиб қолди. Айниқса, унинг билимдонлиги, ҳаётга донишмандларча нигоҳ билан қараши кишини беихтиёр ўзига ром этади.

— Бу қанақа маҳмадона чол экан, деб ўйлаяпсизлар-а, — дея тағин хушхандон кулди Олқор бобо хайрлашар чоғимиз. — Тўғриси, тилимни ҳам, қўлимни ҳам узун қилган ҳурматли Юртбошимиз. У киши биз меҳнаткашларни қўллаб-қувватлаб, ҳимоя қилиб турибди, шунинг учун ҳам бемалол эркаланамиз, мақтанамиз.

Олқор бобо кетди. Машинасига виқор билан ўтирди-ю, елдек елдириб кетди. Лекин бизга бир олам ёруғ хаёллар қолдириб кетди.

## Афсонага ўрин йўқ

Дарҳақиқат, шундай. Кўрганларимиз аллақандай эртак-чўпчак эмас. Ҳақиқат! Ҳайратомуз ҳақиқат. Деҳқонободнинг кунботар томонида, бири-бирига елка тутиб кетган қир-адирлар бағрида, янги темир йўл тармоғининг кўркам бекати биқинида маҳобатли қурилиш ишлари бораётганининг гувоҳи бўлдик. Ҳали эринчоқ қуёш қуналғасидан бош кўтариб улгурмаган бўлса-да, бу ерда ҳаёт қайнайди. Энг замонавий махсус машиналар, кранлар, самосваллар, тағин биз номини ҳам билмайдиган аллақандай ажнабийнусха техникалар силсила солиб у ён-бу ён қатнашади, энг оғир, энг нозик юмушларни бажаришади. Коржомалари ўзларига хўб ярашган қурувчиларнинг, техник инженерларнинг қўли-қўлига тегмайди...

— Деҳқонобод калий ўғитлар заводининг бош биноси мана шу! — деди муҳандис Ражаббой Хўжамуродов қад тиклаб турган иншоотга тантанавор ишора қилар экан. — Бу ерда хом ашё қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилади.

— Хом ашё қаердан олинади?

— Ҳозирча иккита шахтамиз, яъни тоғ-кон комплексимиз мавжуд. Бири ўн, бири қирқ километрча нарида. Хом ашё вақтинча махсус машиналар ёрдамида ташиб келтирилади. Кейинчалик конвейер усулига ўтилади. Тоғ-кон комплексимиз айни пайтда иш жараёнига шай.

Шу тахлит суҳбатимиз қизиб кетди. Мутахассисларнинг айтишича, мана шу маҳобатли корхона ишга тушса биз дунё бўйича калий ўғит ишлаб чиқарадиган ўн иккинчи давлат бўлар эканмиз! Албатта, шу биргина мужданинг ўзи ҳам кўнгилларни ғурур ва ифтихорга тўлдиради.

Мутахассислар билан шу тахлит қизғин суҳбатлашиб турган пайтимиз, қурилаётган Деҳқонобод калий ўғитлар заводи директори, кимё фанлари доктори Нурилла Ғаниев ҳам келиб қолди.

— Заводнинг лойиҳа қиймати 123,7 миллион АҚШ долларини ташкил этади, — дейди Нурилла ака. — Шундан 41,7 миллион АҚШ доллари Хитойнинг Эксимбанки кредити ҳисобидан, қолган қисми Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ва Кимё саноатини ривожлантириш фонди томонидан тақдим этилган.

Сарф-харажат, чиқим анчагина залворли кўринади. Лекин маҳсулот ишлаб чиқарила бошлагач, қисқа бир муддат ичида харажатлар қопланиб, завод соф фойда бера бошлашини мутахассисларнинг аниқ-тиниқ ҳисоб-китоблари кўрсатиб турибди.

Деҳқонобод калий ўғитлар заводининг жадал суръатлар билан бунёд этилишида чет эллик ҳамкорларнинг ҳам салмоқли улуши, қизғин меҳнати бор. Жумладан, Хитойнинг "Ситик" компанияси, Россиянинг "ЗУМК-Инжиниринг" компанияси шартнома бўйича зиммаларидаги вазифаларни астойдил адо этишаяпти. Албатта, улар юмушларини бажариб бўлгач, юртларига қайтиб кетишади. Завод ўзимизники, унинг тақдири бизларнинг қўлимизда. Модомики шундай экан, кадрлар масаласида муаммолар бўлмайдими, деган ҳақли савол ўртага чиқади. Қурилиш мутасаддиларининг таъкидлашича, шу йилнинг июль ойларида тўла ишга тушиши мўлжалланган мазкур корхонага ҳозирги кунда 312 нафар мутахассис қабул қилинган. Уларнинг аксарияти Россия, Хитой, Беларусь давлатларида малака ошириб қайтишган. Завод иш бошлаши билан тағин минг нафар ходим танлов асосида ишга қабул қилинади.

— Асосий эътиборни ёшларга қаратганмиз, — дейди Нурилла Ғаниев. — Деҳқонободдаги иккита касб-ҳунар коллежида махсус гуруҳлар ташкил этиб, унда айнан бизнинг буюртмамиз бўйича 210 нафар ўспирин сабоқ олмоқда. Бундан ташқари, Тошкент ва Қаршидаги олий ўқув юртларида бизга зарур мутахассисликлар бўйича 120 нафар талаба таҳсил олмоқда. Уларнинг шартнома-контракт тўловлари заводимиз томонидан амалга оширилади. Жорий Баркамол авлод йилида ушбу лойиҳани янада кенгайтириш, янада такомиллаштириш кўзда тутилган.

Албатта, бундай маълумотлар кўнгилларга мамнунлик, масрурлик бахш этади. Сафаримиз ҳам охирлаб қолди. Лекин биз ширинликка тўймаган боладек теваракка тамшаниб қараймиз. Учрашувлар, суҳбатлар бизга жуда кўп нарса берди. Англадикки, аслислоҳотлар юртдошларимизнинг юрагида бошланган экан! Бу юксакликдан жонажон юрт жамоли янада яқинроқ, янада ёрқинроқ кўринар экан. Келинг, марҳамат, Ўзбекистон сарватини сиз ҳам юлдузлардан туриб томоша қилинг...

**Луқмон БЎРИЕВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**
**Чоршанби РЎЗИБОЕВ,**
**журналист.**

**СУРАТЛАРДА:** Деҳқонобод калий ўғитлар заводи қурилишидан лавҳалар.

**Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.**

## Саноат ҳафталиги:

# ПЕШҚАДАМ ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жорий йилги кўргазмада маҳаллий корхоналарда тайёрланган янги маҳсулотларга ҳам кенг ўрин ажратилгани диққатга сазовордир. Шулардан бири — "Фарғонаазот" очиқ акциядорлик жамияти ишлаб чиқарган карбомид ва аммиакли селитра аралашмаси — "КАС" препаратидир. Жамият мутахассиси Ҳошимжон Мамаюсуповнинг айтишича, ушбу маҳсулотнинг афзаллиги шундаки, у суюқлиги боис қишлоқ хўжалиги экинларини озиқлантиришда қўл келади. Таъсир қилиш ва самарадорлиги ҳам юқори.

— Биз, асосан, лаборатория, сифат ҳамда ўлчаш ускуналарини ишлаб чиқариш билан шуғулланамиз, — дейди пойтахтимиздаги "Fortek" корхонасининг савдо бўйича вакили Сирожиддин Зиямов. — Ҳозирги кунда Германиянинг "Jurgens", "Analytek Jena", Швейцариянинг "Mettler Toledo", Италиянинг "Milestone", Япониянинг "Atogo", АҚШнинг "Agilent Tehnologies" сингари фирмаларининг энг замонавий ускуналарини юртимиздаги кўплаб корхона ва ташкилотларга етказиб бераяпмиз. Уларнинг аксарияти билан худди шундай тадбирлар орқали алоқа ўрнатганмиз. Демак, бу йилги ҳафталик асносида ҳам шерикларимиз сафи янада кенгаяди.

Дарҳақиқат, "Industrial-Expo Uzbekistan" VI халқаро саноат ҳафталигида намойиш этилаётган ҳар бир маҳсулот ёки хизмат тури иштирокчиларнинг қизиқишини орттирмоқда.

Кўргазма 9 апрелгача давом этади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# АВСТРИЯЛИК САЙЁҲЛАР УЧУН «ҲАВО КЎПРИГИ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

ди, яхши меҳмонхоналар саноқлигина бўлиб, улар ҳам Европа талабларига жавоб бера олмасди. Бугунги кунда туризм соҳаси мустақил Ўзбекистон иқтисодиётининг истиқболли соҳаларидан бирига айланди. Сўнгги беш йил давомида биз Венадан Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларига чартер рейсларни ташкил этаяпмиз ва ҳар йили мамлакатда кенг кўламли янгиланишларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Ҳар томонлама қулай ва шинам меҳмонхоналарни, автомобиль йўлларини, дам олиш объектларини кўраяпмиз. Биз Ўзбекистонда божхона назоратидан қисқа фурсатда ўтишдан бошлаб, меҳмонхоналар ва автотранспортгача бўлган, мижозларимизга кўрсатилаётган сайёҳлик хизматларидан жуда мамнунмиз. Шу билан бирга, ўзбекона меҳмондўстликдан ҳам. Шунинг учун ҳам мамлакатингиз европаликлар учун Шарқнинг дарвозасидир.

Австрия сайёҳлик агентликларининг хулосаларига кўра, Ўзбекистон жуда улкан сайёҳлик салоҳиятига эга ва нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёдаги туризм марказларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидаги авайлаб-асраб келинган, турли тарихий даврларда барпо этилган кўплаб архитектура дурдоналари сайёҳларни ўзига мафтун этади. Миллий меъморчилик намуналари бўлган кўп асрлик иморатлар бугунги кун архитектураси билан бетакрор уйғунлик касб этган.

"Joe Far Tours" сайёҳлик компанияси вакили Эрвин Фрисенбашлер жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кечаётганига қарамай, Ўзбекистонга туристик сафар уюштирувчилар сони камаймаганини таъкидлади.

— Маълумки, Австрия туризм юқори даражада ривожланган, ҳар йили ўзининг 3 миллиондан ортиқ аҳолисини хорижий давлатларга саёҳатга жўнатадиган мамлакат саналади, — дейди Э. Фрисенбашлер. — Ўзбек халқининг ўзига хос маданий-тарихий меросига ҳамда бугунги кунда мамлакатда кенг кўламли ислоҳотларнинг амалга оширилаётганига қизиқиш ортиб бормоқда. Бу эса Австриядаги бизнинг йўналишимиз бўйича фаолият юритаётган етакчи сайёҳлик компанияларининг эътиборидан четда қолаётгани йўқ.

**«Жаҳон» АА.**
Вена

# «МЕН ОРЗУ ҚИЛГАН КАСБ»

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Мен орзу қилган касб" мавзуида иншолар танлови, "Очиқ эшиклар куни", "Касблар фестивали" сингари тадбирлар бўлиб ўтди. Ушбу кўргазма ҳам ана шундай мақсадли лойиҳаларнинг давоми саналиб, у ёшларга пойтахтимиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан яқиндан танишиш имконини беради.

— Билим юртимизда ёшларни малакали мутахассис этиб тайёрлашга жиддий эътибор қаратилади, — дей-



ди Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи бўлим бошлиғи Наргиза Каримова. — Биз кўргазмада "Бошланғич таълим", "Мусиқа таълими", "Жисмоний тарбия ва болалар спорти", "Мактабгача ва оилавий таълим" каби мутахассисликлар бўйича қатнашмоқдамиз.

Пойтахтимизнинг Учтепа туманида яшовчи Шоазим Шомуҳамедов мазкур ўқув йилида тўққизинчи синфни тамомлайди. У кўргазмага келиб, ўзи ёқтирган касбга йўналтирувчи билим маскани ҳақида етарли маълумот олганидан мамнун.

— Болалигимдан солиқчи бўлишни орзу қиламан, — дейди у. — Мактабни тугатгач, ҳужжатларимни Тошкент солиқ коллежига топширишга аҳд қилдим. Бу илм масканида таҳсил олувчиларнинг ўз йўналиши бўйича бир йил мобайнида солиқ хизмати органларида амалиёт ўташи менга маъқул келди.

Кўргазманинг илк иш куни самарали бўлди. Шу куни бу ерга 9300 нафар йигит-қиз ташриф буюргани бундан далолатдир.

Кўргазма яна икки кун давом этади.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Носир ҲАЙДАРОВ олган сурат.**

# ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ташкилотчиларнинг айтишича, кўргазма кўлами йил сайин кенгайиб бораяпти. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки тадбир банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, уларнинг рақобатбардошлиги ва инвестициявий фаоллигини ошириш йўлидаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Бу жараёнда, яъни молия тизимининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари хусусида аҳолининг хабардорлигини таъминлаш эса, айниқса, муҳимдир. Кўргазмада ана шундай имконият яратиб берилаётир.

— Республикамиз молия тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар банкларни ҳақиқий инвестиция институтларига айлантиришга қаратилган, — дейди "Микрокредитбанк" ОАТБнинг микролизинг хизматлар кўрсатиш департаменти бўлими бошлиғи Азиз Казаков. — Натижада тижорат банкларининг капиталлашув ва инвестициявий фаоллиги йилдан-йилга ошмоқда. Бу, ўз навбатида, хизмат кўламининг кенгайишини таъминламоқда. Хусусан, "Микрокредитбанк" ОАТБ хизматлар бозорида фаол иштирок этиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чинакам молиявий кўмакчисига айланди. Биргина 2009 йилда иқтисодиётнинг мазкур соҳасига жами 90 миллиард 800 миллион сўмлик микросармоялар киритилиб, аввалги йилдагига нисбатан 1,6 баравар ўсишга эришилгани бунга мисол бўла олади. Пировардида жойларда 88 мингта янги иш ўрни яратилди.

Шунингдек, кўргазма доирасида дастурий маҳсулотлар ва замонавий банк жиҳозларининг тақдимотлари, долзарб мавзуларда семинарлар ҳам ўтказилмоқда. Бу кўргазма иштирокчилари ва соҳа мутахассислари учун бирдек манфаатли бўлаётир.

**С. РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Кейинги йилларда Бувайда тумани маркази — Янгиқўрғонда ободончилик ва бунёдкорлик ишлари кўлами янада кенгайди. Туман маркази тубдан ўзгариб, шаҳарча қиёфасига кираётганлиги бунинг исботидир. Айниқса, Янгиқўрғонга Боғдод, Қўқон, Бувайда томонлардан кириб келувчилар ўзларини гуллар ифори уфуриб турган хиёбонга ташриф буюргандай ҳис қилишади.***

# ЯРАТИШ ИШҚИ БИЛАН ЯШАЁТГАНЛАР

Ўн икки километр масофадаги кириш йўлларига эрта баҳорда ўн беш минг тупдан ортиқ манзарали дарахтлар, етти минг туп атиргул кўчати ўтқазилди. Йўл ўртасидаги гулзорларга эса илк бора 400 туп тоғ лоласи, 3000 туп чиннигул экилди. Водийликлар бугун ҳақли равишда бу ҳудудни "Янгиқўрғон гулзорлари" деб аташмоқда.

Маълумки, ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади. Шу сабабли туманда кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор берилмоқда. Туман бўйича 2008 — 2012 йиллар давомида кадрларга бўлган эҳтиёж жадвал-режаси ишлаб чиқилгач, маълум бўлдики, 2012 йилга бориб, халқ хўжалигининг турли тармоқлари, хусусан, халқ таълими, тиббиётнинг айрим йўналишлари бўйича кадрларга талаб кучаяр экан.

Буни ҳисобга олиб, "Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш туман жамғармаси" ташкил этилди. Шу кунгача мазкур жамғарма ҳисобидан 30 га яқин ёшларга шартнома (контракт) тўловлари тўланиб, турли олий ўқув юртларида ўқитилди ва ўқитилмоқда.

Узоқни кўзлаб олиб борилаётган ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, шўр ювиш, тупроқнинг гумус қатламини соғломлаштириш, маҳаллий ўғит жамғариш ва далага олиб чиқиш бўйича катта ишлар қилинаяпти. Ўтган йили 200 километрдан зиёд хўжаликлараро ва ички зовурлар қазилгани ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилабгина қолмай, балки пахтачиликда аввалги йиллардагига нисбатан ҳосилдорликни анча ошириш имконини берди. Туман ғаллакорлари бошоқли дон етиштириш бўйича ҳам бултур биринчилардан бўлиб шартнома режасини бажарди.

Бувайдаликлар азалдан миришкор полизчи, сабзавоткор сифатида донг таратишган эди. Энди уларнинг боғларда етиштираётган ширин-шакар мевалари ҳам эл оғзига тушди. Фақат шу йилнинг ўзида тумандаги фермер ва деҳқон хўжаликлари 30 минг тупга яқин мевали, 34,5 минг туп манзарали дарахт кўчатлари ўтқазишди. Айниқса, маҳаллаларни маҳаллаларга, қишлоқларни қишлоқлар-

**Ислоҳот**

га улаб турган гулзорлардан кўз яшнайди. Фақат шу йилнинг ўзида 52 минг тупга яқин гул кўчатлари ўтқазилганлиги бувайдаликларнинг нозик дидли, саранжом-сариншта кишилар эканлигини кўрсатиб турибди.

Ўтган йили тумандаги Бумазор, Файзиобод, Хонобод қишлоқларига тоза ичимлик суви олиб келинди. Бу хайрли ишга маблағ, асосан, давлат хазинасидан тўланди. Ободончилик ҳам туман аҳолисининг асосий шиорларидан бирига айланиб қолди. Фақат шу йилнинг ўтган 3 ойида ҳашар йўли билан 1228 та хонадон қайта таъмирланиб, тикланди.

Туманда, шунингдек, янги саноат корхоналарини барпо этиш, фаолияти тўхтаб қолган ишлаб чиқариш корхоналарини тиклаш, иш ўринларини яратиш мақсадида инвестиция киритиш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётгани эътиборга лойиқдир.

"Ал-Мансур", "Эл-нур" кичик корхоналарида турли электр кабеллари, "Ал-Дамин" масъулияти чекланган жамиятида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Бувайдада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи ҳам кун тартибида турибди. Бу борада, айниқса, тадбиркор Сарваржон Тўхтаев раҳбарлигидаги "ХОН" кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш фирмаси фаолияти барчага ўрнак бўлмоқда. Мазкур фирма томонидан кейинги йилларда автомобилларга ёнилғи қуйиш ва техник хизмат кўрсатиш шохобчаси, 2 гектарлик лимонзор, 1,5 гектарлик иссиқхона, тикиш-бичиш цехлари бунёд этилди. Эътиборлиси, иссиқхонада электр энергияси, газ ёки бошқа ёқилғи сарфламасдан, Хитой технологияси асосида йилига уч марта ҳосил етиштирилиб, аҳолига арзон нархларда сотилаяпти.

Туманда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳажми ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Сўнгги йилларда ишга туширилган педагогика, иқтисодиёт, тиббиёт ҳамда йўл қурилиши коллежлари ўз маҳобати билан қишлоқлар қиёфасини ўзгартирибгина қолмасдан, ёшларнинг ўзлари истаган йўналишлар бўйича малакали касб-ҳунар таълими олишларига имконият яратди.

Шу билан бирга, 2009 йил давомида бир миллиард сўм давлат маблағи сарфланиб, Қўнғирот қишлоғидаги 47, Шўр қишлоғидаги 50-умумтаълим мактаблари капитал реконструкция қилинди. 23-мактабда спорт зали қурилиб, "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг туман босқичи ўйинлари шу мажмуада ўтказилди.

Аҳолини иш билан таъминлашнинг асосий йўналиш ва кўрсаткичлари дастури доирасида эса якунланган йилда 3204 та янги иш ўрни яратилди. 250 киши касаначиликка жалб қилинди.

Бундай ижобий ўзгаришлар Мустақиллигимиз шарофати, Юртбошимиз олиб бораётган доно ва изчил сиёсат самарасидир, албатта. Шу боис бувайдаликлар мамлакатимиз равнақи, эл-юрт фаровонлигини оширишга ҳисса қўшиш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга энг муҳим устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Чунки соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда спортнинг ўрни беқиёсдир. Буни давлатимиз раҳбари доимо алоҳида таъкидлаб келадилар. Хусусан, жорий йил 10 март куни Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида ҳам Президентимиз шу ҳақда тўхталиб, “Спорт ёшларни турли иллатлардан қайтарадиган, ҳал қилувчи аҳамиятга молик энг яхши воситалардан биридир. Спорт билан шуғулланган йигит-қизларнинг саломатлиги яхши, фикри тиниқ бўлади, улар оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ёрдам беради”, дея қайд этдилар.*

# БАРКАМОЛ АВЛОД – МАМЛАКАТ КЕЛАЖАГИ

Ана шу жиҳатлардан келиб чиқиб, мустақиллик йилларида спортни оммалаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир ҳудудда муҳташам спорт мажмуалари, сузиш ҳавзалари, стадионлар барпо этилиб, ёшлар ихтиёрига топширилаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида”ги ҳамда 2004 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. 2003 — 2009 йиллар давомида юртимизда 1123 та спорт мажмуаси қурилди, уларнинг 922 таси қишлоқ жойларида қад ростлагани эътиборга моликдир.

Тошкент вилоятида ҳам болалар спорти мажмуаларини барпо этиш, ёшларни оммавий спортга жалб қилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, ўтган даврда ҳудудда жамғарма томонидан 87 та спорт иншооти бунёд қилинди. Бундан ташқари, 2008 — 2012 йилларда болалар сув спорти объектларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш дастури бўйича 12 та сузиш ҳавзасини капитал таъмирдан чиқариш режалаштирилган эди. Айни пайтгача Бекобод, Олмалиқ, Янгийўл ва Зангиота туманларида биттадан сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент вилояти филиали ижрочи директори Ўткир Рашидовнинг айтишича, жорий йилда вилоятда 5 та мусиқа ва санъат мактаби, битта V ТИП спорт иншооти, 2 та спорт зали ва 3 та сув спорти объектини қуриш ва капитал таъмирлаш кўзда тутилган бўлиб, шу мақсадлар учун 7 миллиард 200 миллион сўм миқдорида жамғарма маблағи йўналтирилиши режалаштирилган. Албатта, барпо этилаётган спорт иншоотларининг замон талабларига мослиги, айниқса, қишлоқ мактабларида шарт-шароитларнинг тубдан ўзгариши болаларни спортга янада кўпроқ жалб этиш имконини бермоқда.

## Болалар спорти

Кейинги пайтларда вилоятда спортнинг бадиий гимнастика, стол тенниси ва енгил атлетика турларига ўқувчи қизларнинг қизиқиши тобора ортиб бораётгани қувонарлидир. Мисол учун, биргина Чирчиқ шаҳрида 2003 йили 72 нафар ўқувчи қиз бадиий гимнастика билан шуғулланган бўлса, бугун уларнинг сони 1000 нафардан ортади. Мураббийлар тажрибасини ошириш ҳам доимий эътиборда. Шу мақсадда бадиий гимнастика тури бўйича 30 нафар, енгил атлетика ва стол тенниси бўйича 44 нафар ўқитувчи ва мураббий Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтида малака ошириш курсларида ўқитилди.

Аҳамиятлиси, ўқувчи-ёшларнинг халқаро спорт мусобақаларидаги иштироки ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Агар 2003 йилда вилоятда, бор-йўғи, 12 нафар ўқувчи ана шундай нуфузли мусобақада қатнашган бўлса, 2009 йилга келиб уларнинг сони 296 нафарга етди. Жамғарма ташкил қилинганидан буён ўтган вақт давомида халқаро мусобақаларда иштирок этган жами 837 нафар спортчининг 224 таси қизлар экани жамиятда уларнинг фаоллашаётганидан дарак беради.

Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX ёзги Олимпиада ўйинларида вилоятнинг 9 нафар спортчиси муносиб иштирок этган эди. Осиё ва жаҳон чемпионатларида байдаркачи Вадим Меньков, эркин курашчилар Дилшод Мансуров, Шерзод Юсупов, дзюдочилар Мирали Шарипов, Наврўз Жўрақобилов каби спортчиларнинг совриндорлар қаторидан жой олиши ҳам юртимизда, хусусан, Тошкент вилоятида ёшларнинг спортга оммавий равишда жалб қилинаётгани самарасидир.

Мамлакатимизда мусиқа санъати ҳам ривож топиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари шу жиҳатга эътибор қаратиб, спорт билан мусиқанинг уйғунлигини қуйидагича изоҳладилар: “Спорт билан мусиқа чамбарчас боғлиқдир. Спорт танани пишитади, чиниқтиради, иродани мустаҳкамлайди, мусиқа — кўнгилни поклайди, руҳни тетиклаштиради. Спорт — бу маданият демакдир. Спортчи мусиқани яхши билса, мусиқачи спорт билан шуғулланса, нақадар яхши”. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида айтилган бу фикрлар келгусидаги ишларда муҳим йўлланма бўлади, албатта.

Ҳаётга татбиқ этилаётган бундай эзгу саъй-ҳаракатларнинг барчаси, аввало, эртанги кунимиз, соғлом келажагимиз учун қўйилаётган пойдевордир. Бундан ташқари, мазкур чора-тадбирлар халқаро миқёсдаги спорт мусобақалари — Олимпиада ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида ҳам ёшларимизнинг муносиб иштироки билан ўзини оқлайди.

**Ўктам МИРЗАЁРОВ.**

# ЮРТНИ КУЙЛАМОҚ БАХТИ

***Ўн саккиз йил таълим олиб, мусиқа илмини ўрганиш асносида ижодий изланишга, янгиликка интилишга одатландим. Бугун эса улуғ устозлар қадами теккан даргоҳ — Ўзбекистон давлат консерваториясида мусиқа ихлосмандларига сабоқ бераяпман.***

Лицей ўқувчилари учун бир нечта қўлланмалар яратдим. Симфония, хор мусиқаси, мусиқий драма учун ариялар, фортепьяно концертларини ёздим. Хусусан, “Гўзалим, Тошкент”, “Ўзбек қизлари”, “Томчилар”, “Гулғунчалар”, “Асл ўғлонлар” номли асарларим, шунингдек, Муқимий номидаги мусиқали драма театрида саҳналаштирилган “Тузоқ”, “Бу чоллар ёмон чоллар” деб номланган спектаклларда янграган куйларим санъат шайдоларига манзур бўлганлигидан мамнунман.

## Ифтихор

Ҳар бир бастакор ўзи яратган мусиқий асарда миллий ва умуминсоний қадриятларни юрагидаги энг соф туйғулар ҳамоҳанглигида самимий ифодалай олиши лозим. Чунки бизнинг мумтоз оҳангларимиздаги таъсирчан нолага тенг келадигани топилмайди. Оркестр учун куй яратаманми, фортепьяно концерт дастурларини тақдим этаманми, шуларнинг барида жаҳон мумтоз мусиқаси оҳанглари билан уйғунликда дутор, танбур, най, ғижжак, доира садолари янграйди.

Асосий мақсадим — ушбу нодир меросимиз намуналарини кенг тарғиб этишга муносиб ҳисса қўшиш. Бунинг учун юртимизда етарлича имкон, ижодий эркинлик, рағбат ва имтиёзлар мавжуд. Биз, ёш бастакорлар яратган асарлар МДҲ мамлакатлари, шунингдек, Франция, Италия, Германия, Бельгия, Испания, АҚШ, Япония, Миср, Ҳиндистон давлатларида бўлиб ўтаётган халқаро концерт дастурлари ва фестивалларда мунтазам ижро этилиб, эътирофга сазовор бўлаётир. Бу эса бизни янада изланишга ундайди. Зотан, бор истеъдодимизни намоён қилиб, она-Ватанни жаҳон узра мадҳ этиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Дилноза ЗОКИРОВА,**
**Ўзбекистон давлат консерваториясининг катта ўқитувчиси.**

## Ибрат

Сариосиё туманидаги “Боғу бўстон” фермер хўжалигининг раҳбари Носирхон бобо Тўрақуловнинг ҳимматидан аҳоли мамнун.

# ФЕРМЕРНИНГ ХАЙРЛИ ИШЛАРИ

Кекса боғбон қақроқ Газарак даштига сув чиқариб, сўлим боғ яратди. Хўжалик маблағи эвазига мактаб ва кутубхона қурилишига бош қўшди.

Носирхон бобо яқинда яна бир хайрли ишга қўл урди: 88 хонадон истиқомат қиладиган чекка тоғ қишлоғига уч ярим километрлик ўрта босимли газ қувури тортилди.

Саховатпеша фермер Баркамол авлод йилида ҳудудда болалар спорти мажмуасини қуриб, фойдаланишга топшириш тараддудида.

**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОР

***Истиқлол йилларида мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган эзгу ва хайрли islоҳотлар ҳаётимизни, тақдиримизни тубдан ўзгартирди. Айниқса, фарзандларимизга давлат сиёсати даражасида кўрсатилаётган ғамхўрлик бениҳоя кенг миқёс касб этаётгани, шунингдек, келажагимиз мустаҳкамлигини кафолатлайдиган омиллардан бири — она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишда эришган ютуқларимизнинг амалий самаралари қувончлидир.***

— Юртбошимизнинг “Соғлом аёл — соғлом бола, соғлом бола — соғлом келажак” деган ҳикматона сўзлари бор, — дейди Миробод туманидаги 2-оилавий поликлиника бош шифокори Шоира Кабилова. — Унинг замирида ҳаётбахш, буюк мазмун-моҳият мавжуд. У аёл зотига ҳар томонлама мукаммал эъзоз ва эътибор кўрсатиш билан изоҳланади. Шу маънода, юртимиздаги ҳар бир катта-кичик тиббий муассаса бугунги кунда, авваламбор, мана шу муҳим жиҳатни ўз диққат марказида тутиб фаолият юритаяпти.

## Тиббиёт



Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Шу билан бирга, оналик ва болалик муҳофазаси ҳақида гап кетганда, соғлиқни сақлаш соҳасида янгилик бўлган “Оилавий шифокор” тизимининг муваффақиятли жорий этилганига тўхталмай ўтишнинг иложи йўқ. Бугунги кунда ҳар бир оила аъзоларининг ирсиятга хос хасталикларга мойиллиги, иммунитет даражаси ўрганилиб, шу асосда тегишли муолажалар қилинаётгани касалликларни тез аниқлашда, асоратсиз даволашда қўл келмоқда. Бинобарин, оила шифокори чинакам маънода келажагимиз ворислари — жажжи гўдакларнинг ҳимоячиси, уларни асраб-авайлаб улғайтириш жараёнида фаол иштирок этадиган билимли ва малакали маслаҳатчиси ҳамдир. Чунончи, Миробод туманидаги 2-поликлиника салкам 50 минг кишига хизмат қилишидан, шулардан қарийб 11 минг нафари болалар, 2700 нафари ўсмир-қиз, 35000 га яқини турли ёшдаги кишилар ҳамда 11724 нафари фертил ёшидаги аёллар эканлигидан келиб чиқсак, ушбу тиббий муассасадаги шифокорлар зиммасидаги масъулият залворини ҳис этиш мумкин.

Мазкур тиббий муассасадаги бевосита оналик ва болалик муҳофазасига сафарбар қилинган 7 нафар гинеколог, 14 нафар педиатр, 12 нафар терапевт, таъбир жоиз бўлса, нафақат ўз йўналишида тажрибали ва малакали, балки бошқа тиббий йўналишлардан ҳам хабардор, шуларга оид хасталикларни ташхислашга ҳамда даволашга қодир мутахассислардир.

— Мени бу ерда кўз қорачиғидек асраб-авайлашади, — дейди Толариқ маҳалласида яшовчи Ибодат Аҳмедова. — Ҳозир иккинчи фарзандимизни кутаяпмиз. Оилавий патронаж асосида шифокорлар хонадонимизга бориб, аҳволимдан хабар олишади, саломатлигимни, руҳий ҳолатимни кузатишади. Нимаики безовта қилса, маслаҳат беришади, зарур бўлса, тегишли муолажалар буюришади. Ойим менга “Хўп яхши замонда келин бўлдинг”, деб кўп айтадилар. Аёлларга бўлган эъзозли муносабатдан мамнун бўлиб, шукрона келтирадилар.

Мухтасар қилиб айтганда, Истиқлол шарофати туфайли тиббиёт эл дардига дармон топадиган, мушкулини ҳал этиб берадиган тизим сифатида нуфузи ошди. Асосийси, аёлларимиз ва болаларимизнинг ишончли қўрғонига айланди. Зотан, олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган асл мақсад ҳам шу.

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ.**

ISO 9001?

Как управлять по международным нормам

...миссия, стратегия, качество, бизнес-процессы, безопасность, экология, QPI, КТУ, персонал, брендинг, сервис, кайдзен, BSC...

+998 (71) 140-14-24

# ОБ-ҲАВО

(8 апрель)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 6-11 даража илиқ, кундузи 22-24 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат кечаси 6-11 даража илиқ, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради. Тунда 6-11 даража илиқ, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат кечаси 6-11 даража илиқ, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 8-13 даража илиқ, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 6-11 даража илиқ, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво ўзгариб туради. Ҳарорат тунда 6-8 даража илиқ, кундузи 22-24 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Сизнинг таклифномангиз

UZBEKISTAN STOMATOLOGY

АРТЕКАEXPO CENTRAL ASIA 5 YEARS

ufi Approved Event

TIHE 15 YEARS Beauty

14-17 АПРЕЛЬ 2010 «Ўзэкспомарказ», Тошкент

15-ЮБИЛЕЙ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ КЎРГАЗМАСИ

15 years of success! 15 лет успеха

· www.tihe.uz · www.pharmacy.tihe.uz · www.stomatology.tihe.uz ·

МАЗКУР СЎРОВНОМАНИ БОСМА ҲАРФЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИНГ

Ташриф қоғозингизни ёддан чиқарманг!

ФИО / Исм-Шарифингиз

Организация / Корхона — Должность / Лавозимингиз

Адрес / Манзил — Тел.

Город / Шаҳар — Страна / Давлат

Ташкилотчи:

ufi Member — ITE UZBEKISTAN

Тел.: +(998 71) 113 01 80

Факс: +(998 71) 252 51 64

E-mail: post@ite-uzbekistan.uz

340R/59

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси “O`zbekiston” телерадиоканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадиий-дам олиш дастурлари” бош муҳарририяти бош муҳаррир ўринбосари Баҳриддин Қўшмоновга падари бузруквори

**АБДУСАИД отанинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

“Ўзагромашсервис” уюшмаси жамоаси Бухоро вилояти машина-трактор парклари бирлашмаси тизимида узоқ йиллар мобайнида раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган

**Мустафо БЕРДИЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти жамоаси ректор ёрдамчиси Маҳбуба Исломовага акаси

**Бахтиёр ЖЎРАБОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 53486 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Болиев.
Навбатчи — Ю. Бўронов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.45 Топширилди — 21.50 1 2 3 5